

## “П-15” сонли ижара шартномаси

2022 йил 30 январ

Тошкент шаҳри

«Сирғали дехқон бозори» АЖ қуидида "Ижарага берувчи" деб аталувчи, амалдаги Низомига асосан иш юритувчи, жамият директори А.А.Маджидов шахсида бир томондан АЖ Пойтахт Банк қуидида "Ижарага олувчи" деб аталувчи Д.А.Акрамов иккинчи томондан қуидагилар тўғрисида ушбу шартномани тузадилар.

### 1. Шартноманинг мазмуни:

1.1. "Ижарага берувчи" "Ижарага олувчи"га ўз худудидан банкамат 24/7 хизмат фаолиятини амалга ошириш учун жой ажратиб бериш, "Ижарага олувчи" ажратиб берилган савдо жойини кабул килишни ва ижара ҳақини ўз вақтида тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. Ушбу ижара шартноманинг 1.1-бандида кўрсатилган савдо жойини "Ижарага берувчи"нинг хусусий мулки хисобланади.

### 2. Ижара ҳақи:

2.1. "Ижарага олувчи" ажратиб берилган савдо жойи учун қуидида келтирилган микдорда ижара ва кўрсатилган хизмат ҳақи тўланади.

Ажратилган ижара обьекти	Ижара обьекти ўлчами	Ижара ҳақи 1 кунлик учун	Жами бир ойлик 15% ҚҚС билан бирга
Сирғали дехқон бозори худудида	1-дона	20 000	600 000
<b>ЖАМИ:</b>			<b>600 000</b>

2.2. Ижарага олувчи ойлик ижара ҳақини олдиндан 100 % фоиз микдорида ойнинг 15-санасигача тўлиқ тўлаши шарт.

2.3. "Ижарага олувчи" шартнома кучга кирган кундан эътиборан ижара ҳақи тўловини шартноманинг 2.2. бандида белгиланган муддатда пул ўтказиш йўли билан тўланиш талаб этилади.

2.4. «Ижарага олувчи» томонидан ижара бўйича тўлови ўз вақтида тўланмаган такдирда ойнинг 20 санасидан сўнг (электр энергиясидан қарздорлик мавжуд бўлсада), қарздорлик тўлангунга кадар электр тармоғидан узилади.

2.5. Тошкент шаҳар хокимияти томонидан нарх-наволар ўзгарганлиги тўғрисидаги чиқарилган қарорларига асосан, шартномада кўрсатилган ижара ҳақи хам ўзгаради ва ушбу шартномага қўшимча келишув асосида расмийлаштирилади.

### 3. Тарафларнинг мажбуриятлари:

#### 3.1. "Ижарага берувчи":

а) "Ижарага олувчи" га савдо фаолиятини амалга ошириш учун тегишли далолатнома асосида савдо жойини топшириш;

б) савдо жойининг жорий таъмирлаш ишларини амалга ошириш;

в) алоҳида ҳақ эвазига, барча талабларга жавоб берувчи, жихозланган, маҳсус юқ саклаш омборхоналаридан юқларни саклаш учун керакликча жойлар билан таъминлаш мажбуриятларини олади.

#### 3.2. "Ижарага олувчи":

а) ажратиб берилган савдо жойидан шартнома шартларига мувофиқ ва қўзланган мақсадларда фойдаланиш;

б) бир ойлик ижара ҳақини 2.2. бандда келишилган тартибда тўлаш;

в) савдо килиш учун мўлжалланган товарларни факат "Ижарага берувчи" томонидан тақдим этилган, барча талабларга жавоб берувчи маҳсус омборхоналарда саклаш;

г) электр-энергияси ва бошқа хизматлар учун алоҳида шартнома асосида ҳақ тўлаш;

д) савдо жойини яроқли холатда саклаш;

е) савдо жойига ўзгартириш киритмаслик ва қўшимча куриймалар қурмаслик;

ж) савдо жойининг ички ва ташқи қисмлари санитария хамда ёнфинга қарши талабларига қатъий риоя қилган ҳолда саклаш;

з) зарурат туғилган ҳолларда, "Ижарага берувчи" томонидан талаб этилган тегишли хужжатларни ўз вақтида тақдим этиш мажбуриятларини олади.

и) ушбу шартномани давлат рўйхатидан ўтказиш билан боғлиқ харажатларни ўз хисобидан амалга ошириш.

к) жамоат тартиби, карантин ва хафвасизлик қоидаларига катъиян риоя этиш.

3.3. "Ижарага олувчи" юридик манзилгохи ўзгарган тақдирда ушбу хақда "Ижарага берувчини" 3 кун муддат ичидаги оғохлантириши шарт.

3.4. "Ижарага олувчи" истемолчиларга кулагай шарт-шароитлар яратиш максадида савдо жойини иш куни мобайнида узлуксиз фаолият юритишини таъминлаши шарт.

#### 4. Мухим шартлар:

4.1. "Ижарага олувчи" "Ижарага берувчи" нинг рухсатисиз савдо жойини бошқа юридик ва жисмоний шахсларга, шу жумладан қариндош-уругларга тақдим этиши, суб.ижарага бериши катъиян ман этилади.

#### 5. Форс-мажор холатлари:

5.1. Хеч бир тараф иккинчи тараф олдида ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ва енгиб бўлмас куч мавжуд бўлган тақдирда ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятларига жавобгар эмас. Ер қўмирилаши, сув тошкени, ёнғин, хукуматнинг таъқиқловчи қарорлари шулар жумласидандир.

5.2. Бартараф килиб бўлмайдиган кучларнинг мавжудлиги ёки амалда давом этганлигини Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг шунга оид қарорлари ёки бошқа ваколатли органлар томонидан берилган гувоҳномалари унинг етарли даражадаги тасдиги деб хисобланади.

5.3. Форс-мажор холатлари вужудга келган тақдирда, бир тараф иккинчи тарафни 3 кун ичидаги ёзма равиша хабардор қилиши шарт.

#### 6. Тарафларнинг жавобгарлиги:

6.1. Ушбу шартномада кузда тутилмаган холлар буйича томонларнинг жавобгарлиги амалдаги Ўзбекистон Республикаси қонунларига асосан тартибга солинади.

6.2. "Ижарага олувчи" ижара хақини шартноманинг 2.2-бандидаги муддатдан кечиктириб тўлган тақдирда "Ижарага берувчи"га ҳар бир ўтказиб юборилган кун учун ойлик ижара хақининг тўлланмаган қисмидан 0,4 % дан, умумий миқдорнинг 50% дан ошмаган холда, пеня тўлайди.

6.3. "Ижарага берувчи" ўз зиммасига олган мажбуриятларни асоссиз сабабларга кўра бажармаса ёхуд, уларни бажаришдан бош тортса Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига биноан жавобгар бўлади.

#### 7. Шартномани бекор қилиш тартиби:

7.1. Ушбу щартнома муддатидан олдин куйидаги холларда ўзгаририлиши, қўшимчалар киритилиши ва бекор қилиниши мумкин:

- Томонларнинг ўзаро келишувига асосан.

7.2. Томонлардан бирни ушбу щартнома шартларига риоя этмаган холларда, иккинчи томон уни бир томонлама муддатидан аввал бекор қилишга ҳақлидир.

#### 8. Бошқа шартлар:

8.1. Ушбу щартнома бўйича юзага келадиган барча низолар ёки келишмовчиликлар ўзаро келишув йили билан хал қилинади, норози томон белгиланган тартибда судларига мурожаат қилиш хукукига эга.

8.2. Ушбу щартномага келгусида киритилиши мумкин бўлган барча қўшимча ва ўзгаришилар томонларнинг ўзаро келишувига биноан ёзма тарзда расмийлаштирилиб, ваколатли шахслар томонидан имзоланади. Киритилган барча қўшимча ва ўзгаришилар щартноманинг ажралмас қисми бўлиб қолади.

8.3. Ушбу щартнома 01.01.2022 йилдан 31.12.2022 йилгача амал қиласди.

8.4. Мазкур щартнома бир хил юридик кучга эга бўлган иккита нусхада тузилиб, тарафлардан ҳар бирiga бир нусхадан берилади.

#### 9. Тарафларнинг юридик манзили:

"Сирғали дехқон бозори" АЖ  
Манзилгоҳи: Тошкент ш. Сирғали-6 мазеси  
Банк: УзР ТИФ "Миллӣй банк" Сергели ф-л  
х/р: 20208000300119504001 МФО: 00869  
ОКЭД: 68202 ИНН: 200648833  
тел: 71-251-34-64

Жамият раҳбари А.А.Маджидов

Бажарувчи: У.К.Джаббаров

Хукуқшунос Ф.М.Боймуродов

"Ижарага олувчи"  
"Пойтаҳт банк" АЖ Амалиёт бошқармаси  
Манзил: Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани  
Ислом Каримов кўчаси, 55-үй  
Индекс 100063  
Тел: 71 214 20 00  
СТИР 207290120

Ижарага олувчи Д.А.Акрамов